**O'zbekiston Respublikasi**
**Samarqand viloyati**
**Toyloq tumani**
**HOKIMI**
**QARORI**

**РЕШЕНИЕ**
**ХОКИМА**
**Тайлякского района**
**Самаркандской области**
**Республики Узбекистан**

**2020 у. г. «18» март** **№ 135-Х** **Toyloq sh. – г. Тайляк**

Туман хокимлиги захира ерлари хисобидан Шопўлот махалла фукаролар йиғинида яшовчи фукаро Халитов Жавлон Илхом ўғли бошлик фермер хўжалик ташкил қилиш хамда ер майдони ажратиш хакида.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 11 январдаги ПҚ-255-сонли "Мева-сабзавотчилик ва узумчилик сохасида ислох қилиш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори ижросини таъминлаш ва Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 30-октябрдаги 476-сонли қарори билан тасдиқланган низом, Адлия вазирлигидан 2005 йил 19 ноябрда 1523-сон билан Давлат рўйхатидан ўтказилган "Фермер хўжалигини юритиш учун ер участкаларини беришда танлов ғолибини аниқлаш тартиби тўғрисида"ги Низом, туман хокимлиги захирасига қайтариб олинган ер майдонлари бўйича фермер хўжаликлари ташкил қилиш учун танлов ўтказиш комиссиясининг 2020 йил 10 мартдаги 2-сонли йиғилиш баённомасига мувофик "Махаллий давлат хокимияти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 6 ва 25-моддаларига асосан

**Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н :**

1.Туман хокимлиги захрасига олинган ер майдонларида танлов асосида фермер хўжаликлари ташкил этиш комиссияси томонидан ўтказилган танлов карорига асосан танловда ғолиб деб эълон қилинган Шопўлот махалла фукаролар йиғинида яшовчи фукаро Халитов Жавлон Илхом ўғлига ғаллачилик, сабзавотчилик, узумчилик, пиллачилик йўналишида янгидан ташкил этилаётган фермер хўжалигига Р.Саидназаров массиви ердан фойдаланиш харитасининг 640,642,641.651,650,652,634,647,649,868,865-контурларидан жами 25.73 гектар, шундан 17.37 гектар суғориб хайдаладиган, 6.88 гектар токзор, 0.02 гектар тутзор, 0.48 гектар арик ва зовур, 0.68 гектар йўллар, 0.04 гектар қурилиш ости, 0.26 гектар бошқа ерлардан иборат ер майдони 37 (ўттиз етти) йил муддатга ижарага берилсин.

2.Белгилаб қўйилсинким, келажакда кишлоқ инфратузилмасини ривожлантириш мақсадида давлат эхтиёжи учун манзилли дастурларни ижросини таъминлаш белгиланганда узоқ муддатли ижара шартномасига тегишли ўзгартириш киритилиши кўрсатиб ўтилсин.

3.Туман Давлат хизматлар маркази (З.Нуриддинов)га фермер хўжалик Низомини қонунда белгиланган тартибда рўйхатга олиш ва бу хақида тегишли ташкилотларга маълумот бериш топширилсин.

4.Туман Ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими бошлиғи (Ж.Хайитов)га Шопўлот махалла фукаролар йиғинида яшовчи фукаро Халитов Жавлон Илхом ўғлига бошлик фермер хўжалигига ер майдонини ажратиб бериш, фермер хўжалигига тегишли хужжатлар расмийлаштириш ва уни фаолиятини, ажратилган ер участкасидан тўғри мақсадда фойдаланишни назорат қилиб бориш хамда Ўзбекистон Республикаси "Ер кодекси"нинг 53-моддасида кўрсатилган талабларни бажарилишини таъминлаш вазифаси юклатилсин.

5.Туман Давлат солиқ инспекцияси бошлиғи (Ш.Шарипов)га фуқаро Халитов Жавлон Илхом ўғлига бошлик фермер хўжалигига бюджет билан бўлган хисоб китобларни белгилаб бериш ва қонунда белгиланган тартибда солиқ ундирилишини назоратга олиш юклатилсин.

6.Ушбу карорни ижросини назорат қилишни ўз зиммамда қолдираман.

7.Ушбу карорни тасдиқни Самарканд вилояти хокимидан сўралсин.

**Туман хокими** **Б.Бабоназаров**